

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељагаи  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 11 июль, № 134 (4287)

Чоршанба

## ЭЛ САЛОМАТЛИГИ — БЕБАҲО БОЙЛИК

Мамлакатимизда кейинги йилларда тиббиёт соҳасида амалга оширилган ислохотлар аҳоли турмуш даражасини тубдан яхшилади. Хусусан, кишиларимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини юксалтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.



Бужай қишлоқи Риштон тумани марказидан анча олинса жойлашган бўлса-да, ўзининг замонавий қишлоқ врачлик пунктига эга. Айни кунларда ушбу шифо маскани ўн минг нафардан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатиб келаётми.

Мезкур шифо маскани замонавий тиббий жиҳозлар билан тўла таъминланганлиги учун хизмат кўрсатиш ҳам шунча яхши сифатли бўлаётми.

— Барча қишлоқ врачлик пунктларида тиббий маданиятни ошириш, омадаларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга катта эътибор қаратмоқдамиз, — дейди туман соғлиқни сақлаш бўлимининг бош шифокори Алишер Олимов. — Айни кунларда туманимиздаги 21 та қишлоқ врачлик пунктининг барчаси маакали шифокор ҳамда ўрта тиббиёт ходимлари билан таъминланган.

**СУРАТДА:** Бужай қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси Ойпоша Жўраева.

Ш.ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат.

## Демократик ўзгаришларнинг юксак баҳоси

Шунингдек, тadbир чоғида Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар ҳам иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди ва муҳокама қилинди.

Давра суҳбати йиғилишида Корея Республикасининг сиёсий, ишбилармон ва жамоатчилик доиралари ҳамда ОАВ вакиллари ҳозир бўдилар.

Унда сўзга чиққан Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси собиқ спикери Ли Ман-соннинг фикр билдиришича, 100 нафардан зиёд етакчи халқаро эксперт ва жамоатчилик арбобларининг тақриз ва фикр-мулоҳазалари жамланган ушбу тўпламининг нашр этилиши қабул қилинган қонунлар юзасидан хорижий мутахассис ва жамоатчилик доираларининг юксак ижобий баҳоларидан гувоҳлик берибгина қолмасдан, балки республикада кенаятган ўзгаришларга халқаро қизиқишининг катта эканлигини ҳам тасдиқлайди. Ли Ман-сон юқорида тилга олинган қонунларнинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг демократик ўзгаришларни чуқурлаштиришга бўлган қатъий содиқлигининг яққол тасдиғи ҳамда ҳуқуқий фуқаролик жамияти қуриш йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг мангидий давом эканини таъкидлади. Сиёсий партиялар ролини мустаҳкамлаш уларнинг фаолиятини фаоллаштириш, сиёсий ҳокимиятнинг ҳаётга таъбиқ этилишида партиялар иштироки даражаси ва масъулиятини ошириш ҳамда фаол ҳуқуқий маданиятнинг изчил шаклланишига қўмақлашди.

Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси депутати, Сувон шаҳрининг собиқ мэри Шим

Дэ-ток таъкидлашча, у бир неча мартаба республикада бўлган ва «мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришлар рўй бермоқда». Унинг айтишича, «Ўзбекистонда парламент ислохотларини ҳаётга таъбиқ этиш давомида ижтимоий-сиёсий ҳаётда олий қонунчилик органи аҳамияти ва таъсирининг кучайиши рўй берди, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд бўғинларида барқарор муносибликка эришилди. Бу жамиятни янада демократлаштириш ва модернизациялашга қўшимча туртки беради». Шим Дэ-ток Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан маъқулланган қонунлар масаласига тўхталиб, уларнинг қабул қилиниши умуман олганда ижро қонунчилигини «инсонпарварлаштиришда муҳим босқич бўлиб қолади. Унинг сўзларига қараганда, Корея Республикасининг ўзи ўлим жазосининг бекор қилиниши юзасидан умумхалқ муҳокамасига яқинда қадам қўйди, бирок парламентда бу масала бир неча бор қўриб чиқилган бўлишига қарамай, у қонун мустаҳкамлангани йўқ.

Корея Республикасининг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Чанг Хуннинг фикр билдиришича, сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунларнинг қўриб чиқилиши ва қабул қилиниши жараёнининг диққатга сазовор жиҳати уларнинг умумхалқ муҳокамасига қўйилгани бўлди. Бу нафақат аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, балки сиёсий ҳаётдан масъул бўлган фуқаролик жамиятини шакллантириш ва тарбиялаш нуктаи назаридан ҳам жуда муҳимдир. Қабул қилинган қонунлар, шубҳасиз, ва жараёнга янги туртки берди. Уларнинг қабул қилиниши Ўзбекистонда бўлгани сингари хорижда ҳам катта ақсо-садо бердики, бирдирилган

(Давоми 2-бетда).

### КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ БОРАСИДАГИ САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Япониянинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Юичи Кусумото 10 июль кuni Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Рустам Қосимов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик барча жабҳаларда, жумладан, таълим соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Кунчиқар юрт мамлакатимизда амалга оширилаётган кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ижросини изчил қўллаб-қувватлаб келаётми. Хусусан, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг ривожлантиришга доир лойиҳалар учун қатор грантлар ажратди. Бу қўллаб-қувватлаш, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлирида лингафон кабинетлари, компьютер марказларини жиҳозлашга ёрдам бўлди. Япония ҳукумати билан 1999 йилдан буён амалга ошириб келинаётган кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорлик Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ва малакали мутахассислар тайёрлашга қаратилган.

Мазкур лойиҳа доирасида мамлакатимиздан 158 талаба Япониянинг қатор олий таълим муассасаларига ўқишга юборилди.

(Давоми 2-бетда).

Ҳозирги шиддатли замоннинг реал ҳақиқати шундан иборатки, интеллектуал ва маънавий бойликка эга бўлган халқ ва миллат, ҳеч шубҳасиз, ҳақли равишда бугунги ва эртанги кунга эгалик қила олади.


Ислом КАРИМОВ.

Ватаннинг кадр-қимматини, истиқлолнинг бебаҳо неъмат эканини чуқур англадик. Президентимизнинг «Шу азиз Ватан — барчамизники!» деган ширин бизга куч, илҳом берди. Миллий гоа бизни бирлаштирди.

### Ифтихор

ча ва қарашлар ўзгарди. Энди — эркинлик даврида, тadbир-корлик учун зарур барча шароитлар яратилган бир пайтда хусусий мулк, бойлик жамият фаровонлигини таъминлайдиган

## БИЗ АНГЛАЁТГАН ҲАҚИҚАТ



2007 йил 30 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори чиқди. Унда мустақиллиқнинг ўн олти йиллигини муносиб кутиб олиш, бу қутлуг сана муносабати билан мамлакатимизда тиғчилик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқ ва натижаларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига бебаҳо неъмат бўлиши мустақиллиқнинг беқиёс аҳамияти, она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада чуқурроқ сингдириш мақсадига қаратилган ранг-баранг тadbирлар қўзда тутилган. Ушбу қарорни ўқиб-ўрганиш асосида истиқлолимизнинг қандай кураш ва машаққатлар, фидокорона меҳнат ва қатъият эъзизига қўлга киритилганини, кенг қўламли ислохотларимиз моҳият эътибори билан инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганини ҳар қайси юртдошимиз яна бир бор ҳис этган бўлса, ажаб эмас.

### 5840 кунни қим қандай яшайди?

16 йил — 5840 кун демасди. Биз шунча вақт мобайнида мана шу муқаддас заминда озод ва эркин нафас олмақдамиз. Умримизнинг маъно-маъмунига тўла, қувончли ва ҳаяжонли воқеаларга бой ана шу 16 йилга назар ташлайдиган бўлсак, 1991 йил туғилган ўсимир бугун паспорт олиб, Ўзбекистон фуқаросига, етук шавқ, том маънода фуқарога айланди.

16 йил — буюк мақсад йўлидаги машаққатли меҳнат, яратил ва янгилаш йиллари. Кимлардир қилган меҳнати, сарф-

лаган харажати самарасини бир йилда, кимлардир 3 йилда тарихий ҳосил беришга кўтди. Биз бошдан бир йиллик, уч йиллик тезлиқ ҳосилга умид боғламдик. Балки яқин ва узоқ истиқболни қўлаб, жондан азиз фарзандларимизга умид боғладик. Ёш авлод тарбиясини келажакка қўйилган сармоя деб билдик. Чунки юртимизда бошлаган ишларимизни давом эттирадиган фарзандлар камолидан кўра буюқроқ сарфат борми бу дунёда? Биз ҳазинамизнинг энг катта булакларини аямая, ана шу эзгу мақсадга ишлатдик. Арзон обрўга ўч айрим сиёсатчилар узоқ-яқиндан бизни танқид қилишга ҳам уринди. Лекин биз ўз қаро-

римизда собит турдик. Кўзларимизни мақсад манзилдан узмадик. Иқтидоримиз ҳам бўлди. Биз эса ўз йўлимиздан қатъий боравердик. Уттан 16 йил бизга Ватан қадрини, миллий гурур туйғусини англашни ҳам ўргатди. Ватанимиз бу ёруғ оламда яққо ягона, гўзал ва бетакрор экан. Ундан ажралсак, қандай бенаво, қандай бебаҳо бўлишимиз мумкинлигини ҳис қилдик. Четдан келатган ёт ва зарарли гоилар жигарбандларимизга, Ватанимизга, номусимизга чанг солмоқчи бўлди. Биз миллий гоимизга таяниб, уларнинг жирканч моҳиятини тушуниб етдик. Улардан томган захар томчиларини қўриб,



### Бор бўлинг! Бой бўлинг!

Мазлумки, собиқ совет даврида ҳамма бир хил, илоҳи борича камбағалроқ яшати керак эди. Пишиқ гиштдан иморат қўриб, устини оқ тунақдан ёпанғиз ёки «Жигули» машинаси сотиб олсангиз, бошингиз галавдан чиқмас эди. Бошланғич партия ташкилотидан то энг катта идораларгача сизни расманга терговга тортар эди: нега бойиясан, пулни қардан олдинг, деган машашалар бошланар эди.

Советлар бойларга ҳавас эмас, ҳасад уйғотарди. Истиклол бўлдию қадриятлар, тушун-

муҳим омилга айланмоқда. Ўзбекистонимизнинг ўзи ҳам бой имкониятлар мамлакатини сифатида тан олинмоқда. Қаранг, бугун давлатнинг ўзи барчамизни уйлари пишиқ гиштдан қуришга, ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшашга даъват қилаётми. Шундай бўлаётми ҳам. Қишлоқингизда оддий фермерларнинг турмушини кўз олдингизга келтиринг, қандай фаровон!

### Қийсанг, шунда биласиз

Албатта, муаммоларимиз ҳам етарли. Биз улар ҳақида очик гапирамиз. Лекин ҳақиқат қийсанг орқали янада яққол билнади. Инсоф билан айтганда, муаммо ҳамма жойда ҳам бор. Мабодо, йўлингиз тўшиб, Германия, Франция, Япония каби тараққий топан мамлакатларга боргудек бўлсангиз, «Сизларга маъна. Биронта ҳам муаммо йў-а», дея қўрманг, масхара бўласиз. Ўзбек тилини билладиган, дутор чертишини ўрганаётган французлардан бири: «Эй биродар, Ўзбекистон — ўз халқини газ билан Францияга қараганда икки баравар қўл таъминлаб қўйган. Бизда — 32 фойз, Ўзбекистонда — 70 фойздан ортиқ аҳоли газ билан таъминланган. Шунин билмас

(Давоми 2-бетда).

## ИНСОН ҲАЁТИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Олий судида «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларнинг амалий ижросини таъминлашга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Бош прокуратураси, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари масъул ходимлари, Олий суд судьялари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштиришга қаратилган кенг қўламли чора-тadbирлар амалга оширилди. Суд жараёни, том маънодаги мустақил, эркин суд тизимини яратиш, жинорий жазонинг эркинлаштирилишининг қонуний асослари ишлаб чиқилди. Хусусан, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари, жинорий жазо тизимини изчиллик билан босқичма-босқич либераллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев Президентимиз Ислом Каримов раҳ-

намолигида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби суд-ҳуқуқ тизимида ҳам изчил давом эттирилаётган кенг қўламли ислохотлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади. Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялли мажлисида ўлим жазоси бекор қилиниши ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлар маъқулланганини давлатимизда олиб борилаётган инсонпарвар демократик сиёсатнинг ана шундай самараларидандир.

Қонунчилигимиздаги ўлим жазоси билан боғлиқ жараён босқичма-босқич ислох қилинди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида жиноят қонунчилигида ўта оғир 33 жиноят учун ўлим жазоси назарда тутилган бўлса, йиллар

(Давоми 2-бетда).

### Ўзбекистон уни — экспортга


• Навоий вилоятидаги дон маҳсулотлари корхонаси қатор йиллардан буён ун ва ун маҳсулотлари экспортини йўлга қўйган. Бугунга қадар корхона ўз маҳсулотларини Тожикистон, Молдова, Озарбойжон сингари бир қатор давлатларга экспорт қилган бўлса, жорий йилдан бошлаб улар сафига Афғонистон ва Туркманистон ҳам қўшилди.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ.

БИР РАҚАМ  
ШАРҲИ

Жорий йилнинг январь-май ойларида Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми **300,76** миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистондан Хитойга энергия ресурслари, нефть ва нефть қимёси маҳсулотлари, пахта толаси, ипак, ўғит, мева-сабзавот экспортга чиқарилаётгани, Хитойдан эса мамлакатимизга механик ва электрон ускуналар, оптик аппаратлар, дори-дармон, тўқимачилик, озиқ-овқат маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса буюмлар, рангли ва қора металллар, ёғоч ва ёғочдан тайёрланган маҳсулотлар импорт қилинаётгани ана шундай ижобий қўрсаткичга эришиш имконини берди.





# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Уруш

### Чўзиладиганга ўхшайди

Ироқдаги Америка армияси кўмондони Дэвид Петреус мамлакатда авж олиб бораётган этник ва диний зиддиятлар бир неча ўн йилларга чўзилиши мумкинлигини билдирди.

Унинг фикрича, лаётган ҳарбий Ироқдаги қонли тўқнашувлар узоқ давом этиши, табиий. Тез орада АКШ Сенатида Ироқда амалга ошири-

лаётган ҳарбий амалиётларни кўшимча молилаштириш тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокамалари давом эттирилади.

«Газпром» бошқаруви раиси ўринбосари Александр Медведевнинг таъкидлашича, компания Буюк Британия энергетика бозорига кириб боришида фақат газ соҳасини эгаллаш билан чекланмайди.

### Газ кифоя эмас

У «Таймс» газетасига берган интервьюсида «Газпром» мазкур мамлакатдаги электростанцияларни ҳам қўлга киритишни режалаштираётганини маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, яқин 5-7 йил давомида компания Буюк Британия бозорига улушини 10 фоизга етказмоқчи.

### Тўқсон йилдан сўнг

Буэнос-Айресда сўнги 90 йилда биринчи марта қор ёғди. Аргентина пойтахти аҳолиси умрида биринчи марта қорни кўрмоқда. Метеорологларнинг билдиришича, яқин 50 йил давомида бундай ҳолат яна қайтарилмаслиги мумкин. Айни пайтда шаҳарда ҳаво ҳарорати — 3 даражагача тушиб кетди.

### Сусткашликка йўл қўймоқда

Интерпол раҳбари Рон Ноубл Буюк Британия ва бошқа бир қатор давлатлар ҳукуматларини терроризмга қарши курашишда сусткашликка йўл қўётганликда айблади. Улар мамлакатга келган одамларнинг паспортларини текширишда Интерпол ахборот базасига киришган маълумотлардан фойдаланмапти.

### Махсус делегация жўнатди

МАГАТЭ Шимолий Кореяга атом реакторларининг тўхтатишга кўздан кечириш учун махсус делегация жўнатди. Делегация мамлакатнинг ядро соҳасида эришган натижалари билан ҳам яқиндан танишади. Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг февраль ойида расмий Пхеньян Шимолий Кореяга иқтисодий ёрдам кўрсатиши эвазига ядро дастурини тўхтатишга рози бўлганди.



### Барқарорликни таъминлаш учун

Европа Иттифоқи Фаластин ҳудудида барқарорликни таъминловчи кўпмиллатли кучларни шакллантириши мумкин. Ушбу таклиф Люблянда бўлиб ўтган ЕИ ташқи ишлар вазирлари учрашувида илгари сурилди. Иттифонинг 10 аъзоси — Болгария, Франция, Италия, Греция, Руминия, Мальта, Португалия, Испания, Словения ва Кипр махсус тинчликпарвар контингентни шакллантиришга тайёрлигини билдирди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

# ОЙЛИК САМАРАЛИ ЯКУНЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойишига асосан ўтказилаётган «Харакат хавфсизлиги ойлиги» Сирдарё вилоятида ҳам яхши самара берди.

Вилоят ҳудудидан ўтувчи халқаро, мамлакат ва маҳаллий аҳамиятга молик 1 минг 422 километр масофадаги автомобиль йўлларидида ҳаракат тизим бўлиб, улардан кунига 14-15 мингдан зиёд транспорт воситалари катаяди. Мана шундай шароитда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳақида долзарб аҳамият касб этади.

Сирдарё вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда. «Харакат хавфсизлиги ойлиги»да ҳайдовчилар ва пиледалар айби билан содир бўладиган но-

хуш ҳолатларни камайиштириш мақсадида профилактика тадбирлари янада кўнайитирилади.

### Харакат хавфсизлиги ойлиги

— Ойликнинг ўтган даврида 660 марта рейд ташкил этилди ва ходимларимиз 17 мингдан ортиқ турли қоидабузарликларни аниқлади, — дейди вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, подполковник Толиб Худойбердиев. — Қоидабузарликлар асосан ҳайдовчиларнинг транспорт бошқаруви тартибларига риоя қилмаслиги билан боғлиқ. Вазирлар Маҳкамасининг

2006 йил 21 ноябрда қабул қилинган «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, шу йилнинг 1 январидан ҳайдовчиларнинг транспортни бошқараётган пайтда уяли алоқа

чилар тайёрлаш курсларида бўлиб, ўқитиш ишларини яхшилаш бўйича таклифлар билдирибди. Бундан ташқари ойлик давомида вилоят ҳудудидидаги салкам 800 километр йўл қўриқдан ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартираф этиш учун мўъассадди ташкилотларга тақдимномалар киритилди. Жами 10 километр масофадаги пиледалар йўлларига таъмирланди. Шунингдек, 900 га яқин корхона ва ташкилотларда, маҳалларда, таълим-тарбия муассасаларида, болалар оромгоҳларида давра суҳбатлари ўтказилиб, пиледалар ва ҳайдовчиларнинг ҳаракатини маданияти тушунтирилди. Харакат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ушбу тарғибот ишлари йўл-транспорт ҳодисаларининг сезиларли камайишига хизмат қилмоқда.

Ф. МАҲКАМОВА,  
Ў.А. МУХБИРИ.

# «Ўзметкомбинат» АЙЧБ

Тўлиқ технологик цикли рангли металллар ишлаб чиқариш корхонасида қуйидаги маҳсулотлар тайёрланади:


Мис лента, тунука (лист) ва металл тилим (полоса)



### Техник тавсифи:

- қалинлиги — 0,5-4 мм., қалинлиги бўйича аниқлиги — 1%, эни — 25-430 мм., узунлиги — ўлчамсиз ўрамларда (ўрамнинг ички диаметри — 400 мм., ўрамнинг ташқи диаметри — 1200 мм.), ГОСТ 1173-93, код ТН ВЭД 740911000;  
- қалинлиги — 5 мм.дан 10 мм.гача, эни — 450 мм. (зиҳи кесилмаган), узунлиги ўлчамли — 1500 мм.гача, ГОСТ 495-95, код ТН ВЭД 740911000.


Жез (латунь) лента, тунука ва металл тилимлар



### Техник тавсифи:

- қалинлиги — 0,5-4 мм., қалинлиги бўйича аниқлиги — 1%, эни — 25-430 мм., узунлиги — ўлчамсиз ўрамларда (ўрамнинг ички диаметри — 400 мм., ўрамнинг ташқи диаметри — 1200 мм.), ГОСТ 2208-91, код ТН ВЭД 740921000;  
- қалинлиги — 5 мм.дан 10 мм.гача, эни — 450 мм. (зиҳи кесилмаган), узунлиги ўлчамли — 1500 мм.гача, ГОСТ 931-90, код ТН ВЭД 740921000.

0,5 мм. қалинликдаги мис тунукадан тайёрланган металлочерепица



Ишлаб чиқариш корхонаси Европанинг (Италия, Австрия, Швейцария, Германия) етакчи фирмалари замонавий ускуналари билан жиҳозланган. Мазкур ускуналарда буюртмачининг барча истаklarини тўлиқ қондириш, шу жумладан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш бўйича техник имконият мавжуд.

Маҳсулотлар жаҳон стандартлари талабига жавоб беради. Улар миллий ва халқаро сертификатциялаш тизими бўйича сертификатланган.

Юқори сифатли маҳсулотимизни тезда етказиб беришга кафолат берамиз!

### Манзилимиз:

Ўзбекистон Республикаси 110502, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Телефонлар: (+998 370) 913-15-22, (+998 370) 912-37-94, (+998 370) 912-24-23. Факс: (+998 370) 912-37-78. E-mail: UMK-COCM@yandex.ru

### INVITATION TO TENDER

### STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF STATE PROPERTY TO FOREIGN INVESTORS

Hereby announces on the basis of the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan №PP-407 as of July 10, 2006

### The Open Tender for privatization sale of 25% shares of JSC «MAXSUSENERGOGAZ»

9 457 (nine thousand four hundred fifty seven) ordinary registered shares of JSC «Maxsusenergogas» constituting the aggregate of 25% of the enterprise's total issued shares are offered for sale. Starting bidding price for the said package of shares is USD 468 800 (four hundred sixty eight thousand eight hundred). The investment needs of the enterprise constitute USD 200 000 (two hundred thousand).

At that, the preference will be given to the tender participant ready to offer the highest bid for 25% share package of JSC «Maxsusenergogas» and undertake the highest sum of investment obligations in the framework of enterprise's investment needs.

JSC «Maxsusenergogas» is situated in Tashkent city. It was established in 1971.

The main activities of the enterprise are realization of starting-up, adjustment and repairing works, technical services of boiler rooms of Bukhara oil-refining plant and Pap terminal with heat energy generation.

### The Open Tender for privatization sale of 25% shares of JSC «SARBON-NEFTEGAZ»

27 546 (twenty seven thousand five hundred forty six) ordinary registered shares of JSC «Sarbon-Neftegaz» constituting the aggregate of 25% of the enterprise's total issued shares are offered for sale. Starting bidding price for the said package of shares is USD 763 200 (seven hundred sixty three thousand two hundred). The investment needs of the enterprise constitute USD 800 000 (eight hundred thousand).

At that, the preference will be given to the tender participant ready to offer the highest bid for 25% share package of JSC «Sarbon-Neftegaz» and undertake the highest sum of investment obligations in the framework of enterprise's investment needs.

JSC «Sarbon-Neftegaz» is situated in Tashkent city. It was established in 1990. The main activity of the enterprise is transportation of freights and passengers, as well as repairing auto vehicles.

Investors interested in participating in the Tender must submit a properly completed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact address shown below.

The package of Bidding Documentation, which includes Information Memorandum, Tender Rules and Bid Form can be obtained upon presenting to the Enterprise Institution Building Bureau the filled in and signed Application and Confidentiality Statement along with a copy of the proof of payment.

The price of the package of Bidding Documentation constitutes USD 500 (five hundred), which need to be transferred to either of the accounts stated below:

USD Account: 20203840500600289001  
UZS Account: 20203000600600289001  
in the JICB «Ipak Yoli» TIN 201122696,  
bank code 00444  
S.W.I.F.T. code: INIPUZ22

The Bid submission deadline expires at 12 a.m. (Tashkent time) on 7 of September 2007.

Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 3 p.m. (Tashkent time) on 7 of September 2007.

Tender participants or their authorized representatives, who have submitted Tender Bids in accordance with the established procedures, have the right to participate at the opening of the packages with Tender Bids.

For all issues related to the tender, please contact:

State Property Committee 55,  
Uzbekistanskaya str., 100003  
Tashkent, Uzbekistan  
Attention: Khan Victoria  
Telephone: +998 (71) 139 22 80  
Fax: +998 (71) 139 22 64  
Email: ves@spc.gov.uz,  
gki-gu@rambler.ru

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

### «УМИД»

деб аталган АКШ долларларидаги янги қисқа муддатли банк омонати амалга киритилганлигини маълум қилади.

- Амал қилиш муддати — 90 кун, фоиз ставкаси — йилига 5%.
- Омонатлар бўйича фоизлар омонат муддати тугаганида Марказий банкнинг операцияни амалга ошириш кундаги курси бўйича сўмда тўланади.
- Дастлабки бадалнинг энг кам миқдори қўшимча бадалларсиз — 1000 АКШ доллари.

Омонатларга пул маблағлари 2007 йил 9 июлдан 1 августга қадар қабул қилинади.

Ўз омонатларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганларнинг фаровонлиги учун ўзимизни жавобгар деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали: 135-42-83, 134-14-14 ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.  
www.nbu.com

# LOK KOLOR SINTEZ

ҚЎШМА КОРХОНАСИ

### ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР БЎЙИЧА ТАЙЁРЛАНГАН ЛАК-БЎЁК МАТЕРИАЛЛАРИ

ИНТЕРЬЕР УЧУН СУВЛИ ҚОПЛАМАЛАР (девор ва шифтлар учун бўёк)  
ФАСАД УЧУН ҚОПЛАМАЛАР (пропитка, грунтровка, бўёк)  
Универсал АЛКИДЛИ ЭМАЛЬ

Пол учун ЭМАЛЬ  
Томлар ва юк вагонлари учун ЭМАЛЬ  
Сув ҳавзалари учун БЎЁКЛАР  
Саноат ускуналари, қишлоқ хўжалиги машиналари учун СУВГА ВА КИМӨВИЙ ТАӨСИРЛАРГА ЧИДАМЛИ АКРИЛАТЛИ ҚОПЛАМАЛАР

Металл конструкциялар, локомотивлар, қишлоқ хўжалиги ва йўл машиналари учун ЮҚОРИ АТМОСФЕРА ТАӨСИРЛАРИГА ЧИДАМЛИ АЛКИДУРЕТАНЛИ ҚОПЛАМАЛАР  
Йўл чизгилари учун БЎЁК  
Ёғоч ва бўялган юзалар учун (рангли ва рангсиз) ЛАКЛАР  
ХИМОЯВИЙ ҚОПЛАМАЛАР (турли юзалар учун грунтровка, шпатлёвка)  
Шунигдек, АЛКИД СМОЛАСИ (лак-бўёк саноати учун яримфабрикат лак)

Ушбу маҳсулотларимизни корхонамизнинг қуйидаги манзилда жойлашган ФИРМА ДЎКОНИДАН завод нархида сотиб олишингиз мумкин:  
Тошкент шаҳри, «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22.

Маҳсулот сертификати билан

Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22.  
Тел.: (998 71) 191-47-41, 191-80-94. Факс: (998 71) 191-74-63.  
E-mail: lokcolor\_uz@mail.ru www.lokkolor.uz

Ёшларни миллий истиқлол гоёларига садоқат руҳида тарбиялаш борасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бунда Президентимиз Исмоил Каримовнинг 2006 йил 10 октябрда қабул қилинган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида»ги Қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

## МАРАФОНЧИЛАР ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Ёшларнинг фикр-мулоҳазалари, мақсад ва интилизларини ўрганиш, муаммоларини бартараф этишда жойларда ташкил этиладиган ўзаро фикр алмашиш, амалий баҳс ва мулоқотлар муҳим ўрин тутди.

Жорий йилнинг 10 июль куни бошланган «Истиқлол карвони» мазмунидаги ёшлар марафони ҳам ана шундай тадбирлар сирасига кириди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши томонидан истиқлолимизнинг 16 йиллигига бағишлаб ташкил этилган ушбу тадбирдан кўзланган мақсад истиқлолимизнинг

мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ёшлар онгига сингдириш, улар ўртасида тинчлик, эзгулик, соғлом турмуш тарзи каби олий неъматларни кенг тарғиб қилиш ҳамда йигит-қизларнинг ижтимоий-сийсий фаоллигини янада оширишдир.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашидан маълум қилишларича, шу йилнинг август ойи охиригача давом этадиган марафон кунлари ёзувчи-шоирлар, маданият ва санъат намояндалари, таниқли спортчилар, журналистлар, иқтидорли ёшлар иштирокида барча вилоят-

лар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар-кишлоқларидаги маҳаллалар, меҳнат жамоалари ва таълим муассасаларида ёшлар билан турли хил учрашувлар, баҳс-мунозара кечалари ва бошқа маданий-маърифий

тадбирлар ташкил этилади. Уларда мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар бераётган улкан самаралар, халқимиз истиқлол йилларида эришайтган ютуқлар, ёшлар камолоти йўлида юртимизда яратилган шароит ва имкониятлар ҳақида батафсил сўз юритилади.

«Истиқлол карвони» марафонининг дастлабки иштирокчилари Сирдарё вилоятига жўнаб кетди.

Жасур КЕНГБОВЕ,  
ЎзА мухбири.

## Спорт • Sport • Спорт • Sport • Sport • Спорт • Sport

## Шахмат бўйича Осиё чемпионати: БЕЛЛАШУВЛАР ЮКСАК САВИЯДА ЎТДИ

Тошкентда ўтган 16 ҳамда 18 ёшгача бўлган йигит ва қизлар ўртасида шахмат бўйича Осиё биринчилиги якунланди.

Турнирда қитъанинг етти мамлакатидан келган энг иқтидорли 92 нафар ёш шахматчи ғолиблик учун дونا сурди. Мусобақалар швейцарча усулда ўтказилди.

16 ёшгача бўлган қизлар мусобақасида қозогистонлик Гулишкан Накбаева 7,5 очко тўплаб ғолиб чиқди. Иккинчи ва учинчи ўринлар хиндистонлик Бхакти Кулкарни ҳамда Радмани Роулларга насиб этди.

Ўсмирлар турнирида хиндистонлик В.Адибан 8,5 очко билан олтин медаль соҳиби бўлди. Кумуш медаль 7 очко жамгарган С.Нитингага насиб этди. Учинчи-бешинчи ўринларни олтидан очко тўплаган ўзбекистонлик Ш.Мустафоев, А.Файзуллаев ҳамда хиндистонлик С.Сетхурдани эгаллашди.

18 ёшгача бўлган қизлар орасида қозогистонлик Ажтерим Рисбоевнинг (6,5 очко) қўли баланд кел-

ди. 2-4 ўринлар 6 тадан очко тўплаган ўзбекистонлик Ю.Хамроқулова, Н.Муминова ва хиндистонлик К.Манишхаларга

насиб этди.

18 ёшгача бўлган йигитлар турнири ўзбекистонлик А.Квоннинг ишонarli ғалабаси билан

якунланди. У 9 имкониятдан 7,5 очко жамғариб, чемпионатнинг олтин медалини кўлга киритди ва халқаро спорт устаси уновони талабларини бажарди. Кумуш медаль 7 очко тўплаган эронлик Х.Тоифичинга насиб этди. Қозогистонлик Р.Жумабоев 6,5 очко билан учинчи бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, беллашувлар юксак савияда ўтди. Буни мусобақа иштирокчилари ва меҳмонларнинг фикрлари ҳам исботлаб турибди.

Умид қиламизки, Тошкент замини Осиё китъаси ёш шахматчиларининг келгусидаги юксак ғалабалари учун дастлабки пиллапоя бўлиб қолади.

Ақром ТОШХҲАЕВ,  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.


**М. Сентил ВЕЛ (Хиндистон терма жамоаси раҳбари):**  
— Мен бир неча бор юртингизда ўтказилган мусобақаларга хиндистонлик ёш шахматчиларни олиб келганман. Одатдагидек, бизни Тошкентда жуда илиқ қутиб олишди. Мусобақани юқори савияда ўтказиш учун барча шароит яратилган. Ёш шахматчиларга ўзбек миллий таълими жуда ёқди. Мусобақа давомида биз Тошкент, Самарқанд шаҳарларини зиёрат қилдик. Мустиқлик йилларида юртингизда амалга оширилган бунёдкорлик ишларидан ҳайратдамиз.

**Махмуд ХАНИФ (Афғонистон шахмат федерацияси президенти):**  
— Мусобақалар халқаро андрозаларга жавоб берадиган «Стантон» шахматлари ва «Фишер» соатларида ўтказилди. Шунинг ўзи ҳам турнирда катта тайёргарлик қўрилганини исботлаб турибди. Юртингизда мамлакат раҳбари томонидан шахматни ривожлантиришга берилаётган эътиборга қўйил қолдик. Уйламанки, ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз келажакда ҳам давом этади.

**Муборакхон АБДУЛФАТИЙ хоним (Эрон):**  
— Биз Тошкентга мусобақа бошланишидан бир неча кун олдин етиб келдик. Шу тўғрисида 2007 йилда «Ислом маданияти маркази» деб эътироф этилган азим Тошкент шаҳрида «Универсиада — 2007» спорт ўйинларининг тантанали ёпилиш маросимини томоша қилиш насиб этди. Таассуротларимни сўз билан ифодалашим кийин. Мамлакатингизда кўска фурусатларга кўлга киритилган ютуқлар билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

**К. РОЖА (Хиндистон):**  
— Юртингизда бир неча бор ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё биринчиликлари юқори савияда ташкил этилганлигини эшитиб, бу сафар ўғлим билан бирга келдим. Бизни жуда яхши қутиб олишди. Мусобақалар ҳақиқатан ҳам юқори савияда ташкил этилган. Тошкент жуда ҳам гўзал экан. Ўзбекистонга яна келиш ниётидаман.

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси катта синов арасида турибди. Индонезия, Малайзия, Таиланд ҳамда Вьетнам яшил майдонларида кечаётган «Осиё кубоги — 2007» баҳслари, қайсида маънода, юртимиз футболнинг бугунги аҳолини кўрсатиб беради.



## ИШҚИБОЗЛАР ИШОНЧИ ОҚЛАНАДИМИ?

Мусобақага жўнаб кетишдан илгари ўтказилган матбуот анжуманида терма жамоа бош мураббийи Рауф Инилевнинг асосий мақсади ярим финалгача етиб боришдан иборат эканини айтиб ўтирди. Агар миллий терма жамоамизнинг «Хитой — 2004» мусобақаларида чемпионат тарихида илк мартаба чорак финалга йўл олган ҳамда ярим финал босқичи пенальтилар серияси тўғрисида бой берилганини едга олсак, бу гал, ҳар қалай, недандир умидвор бўлишга асос бордек туюлади. Аммо, келинг, дўппини бир четга олиб қўйиб мулоҳаза юритиб кўрайликчи: чинданам, мамлакатимиз бош жамоаси ярим финалгача етиб бора олармики? Унинг имкониятлари, аслида, қай даражада?

Мулоҳазамизнинг, энг аввало, гуруҳдаги вазиятни таҳлил қилишдан бошлашас. Маълумки, Ўзбекистон терма жамоаси дастлабки учрашувларини Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида ўтказди. Терма жамоамизнинг гуруҳдаги рақиблари эса анчайин номдор. Тўғри, Осиё кубоги финал босқичидан кўнсуз жамоаси излашнинг ўзи мантисқизлик. Бирок, Эрон терма жамоасининг савияси бизникилардан кўра юқори даражада, дейиш анча ўринли. Бу фикрни Хитой терма жамоасига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Малайзияликлар эса майдон эгалари сифатида, ҳеч бўлмаса, дуранг натижа учун баҳс олиб боришлари аниқ. Кўриниб турибдики, Рауф Инилев шогирдлари ярим финал ўқда турсин, чорак финал йўлнамасини кўлга киритиш учун ҳам яхшигина тер тўқашлари керак.

Жорий йилда миллий терма жамоамиз олтига ўртқоқлиқ учрашувларида майдонга тушди. Ирок ва Жанубий Корея терма жамоаларига қарши кечган баҳсларни ҳам ҳисобга олсак, жами беллашувлар сони

сақитзани ташкил қилди. Тан олиш жоиз, бу кўрсаткич олдинги йилларга нисбатан анчагина салмоқли. Аммо... Эрон терма жамоаси вакиллари бир ойдан буён мунтазам машғулотларда иштирок этишгадан бўлишса, хитойликлар, ҳатто, Лондоннинг «Челси» клуби базасида мусобақага тайёрланишган. Баъзи бир маълумотларга кўра, улар Жозе Моуриньо қўл остида шу йўлнамани ҳам муваффақ бўлишган. Хўш, мусобақа ярим финалга қадар етиб бо-

### «Осиё кубоги-2007»

ришни кўзлаётган бош мураббий нимага асосланиб бундай ваъда берди экан?

Жавобни Рауф Инилевнинг матбуот анжуманида билдирган фикрларидан изолдик. Маълум бўлишича, терма жамоамиз бош мураббийи ёшлик, тезлик ва чиддамга таянишни мақсад қилган. «Бизнинг энг асосий кучимиз жамоа сафидаги ёш футболчилардир. — деди у — ўз қарашларини баён этаркан. — Ёшни, уларнинг ёшлиги тезкор футбол намойиши этиши имконини беради. Шу билан бирга, бу футболчиларда жисмонан толиқиш ҳам нисбатан кечроқ бошланади.»

Р. Инилевнинг ушбу мулоҳазаларида бир оз жон бордек. Аммо, футбол яна бир «олтин қонда»га эгаки, унинг қаршида баъзан ёшлиги тезлигининг аҳамияти қолмайди. У ҳам бўлса, ақсарият лаҳзаларда ўйинчиларимизга етишмайдиган таъжирба ва


профессионалликдир. Хўш, бизнинг терма жамоа сафида Али Дайи, Меҳди Меҳдаев ва Яки Карими сингари таърибли йўналишчилар нечта? Биргина М. Шаққид ҳамда Слободянининг «Слован» клуби аъзоси А. Ибрагимови назарда тутмаганда, ақсарият футболчиларимиз хориж майдонларида ўз ўрниларини топа олмаганини ҳам кўндек равшан-ку?

Тўғри, жорий йилда ички чемпионатнинг биринчунга кучайганини, майдонда ҳаққини қураш кечаётганини футболчиларимиздаги жиддий ўзгариш, деб қабул қилиш мумкин. «Кизилқум-Олтин», «Андихон-ЎзДўлат», «Самарқанд-Динамо» сингари жамоаларнинг мазмуни ўйин кўрсатаётгани, олий лига дебютанти ҳисобланмиш «Қурувчи» (Тошкент) клуби эса «манаман» деган жамоалар учун ҳам «бошқорғини»га айланганини инобатга олсак, мамлакатимизда футболни ривожлантириш борасида анча-мунча иш қилинганлиги аён бўлади.

Энг сўнгги мулоҳазамиз фақатгина футболчилар эмас, балки ҳар биримизга таллуқли бўлган хусусият — ватанпарварлик тўғриси ҳаққидир. Ҳар бир футболчи майдонга аллақандай моддий рағбатларга ўз жавонини бирон-бир кўбук билан тўлдирishi учун эмас, балки она Ўзбекистонимиз шаъни, давлат байроғимизнинг сарбаланд ҳилпирashi, ўзбек халқининг ҳеч қачон ҳеч қимдан кам бўлмаслигини ўйлаб майдонга тушиши керак. Ана шундангина Хиросимадаги каби ғалабалар тақрорланади.

Терма жамоамиз бош мураббийининг башорати ўзини оқлайдими-йўқми, буни вақт кўрсатади. Бизга қолса, ярим финал нима экан, вакилларимиздан Осиё кубоги ғолиблигини талаб қилишга ҳам ҳаққимиз. Аммо, майдон текис, тўп юмалоқ. Ҳар бир спорт мусобақасида эса кучлилар ғолиб чиқади. Биз футболчиларимиз «Осиё кубоги — 2007»да кучлилар сафида булишини истаб қоламиз.

Ҳасан ТОШХҲАЕВ.



Аҳмад ал-Фаргоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишлаб чоп этилган «Марварид Марғилоним», «Увайсий издошлари» тўпламлари ҳамда Исмоил Махмуднинг «Ишқ саодати», Нодирбек Абдулахатов ва Уктамжон Эшонбобоевларнинг «Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари» китобларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

## Марғилонга бағишланган китоблар

Маросимга тўпланган китоб шинавандалари бу асарлар шаҳарнинг 2000 йиллик юбилейига муносиб тўна эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Шунингдек, маросимда китобхонлар эътиборига республика Маънавият тарғибот ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказлари

томонидан тайёрланган «Ижтимоий ҳимоя йили мазмун ва моҳияти», «Ғарб оламидаги ахлоқий муаммолар», «Тадбир самарадорлигининг ўн шарти», «Оталар китоби» каби тўпламлар ҳам ҳавола этилди.

Набижон СОБИР,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Тел.: 215-89-89, 215-83-38. Кафолат — 2 йил. Махсулот сертификатланган.

www.hyundai-motor.com

## ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 июлдаги ПҚ-407-сонли қарорига мувофиқ, куйидагилар бўйича очик тендер ўтказилишини эълон қилади:

«MAXSUSENERGOGAZ» ОАЖнинг 25 фоиз акция пакети.

«MAXSUSENERGOGAZ» ОАЖ томонидан чиқарилган барча акцияларнинг 25 (йигирма беш) фоизини ташкил этувчи 9 457 (тўққиз минг тўрт юз эллик етти) дон оддий акциялари сотувга қўйилади. Акцияларнинг бошланғич баҳоси 468 800 (тўрт юз олтиш сақиз минг сақиз юз) АҚШ долларини ҳамда корхонанинг инвестицион эҳтиёжлари 200 000 (икки юз минг) АҚШ долларини ташкил этади.

«MAXSUSENERGOGAZ» ОАЖ Тошкент шаҳрида жойлашган бўлиб, 1971 йил ишга туширилган. Жамиятнинг асосий фаолият тури бўлиб, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчи Поп терминали қозонхоналарини ишга тушириш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ҳисобланади.

«SARBON-NEFTEGAZ» ОАЖнинг 25 фоиз акция пакети.

«SARBON-NEFTEGAZ» ОАЖ томонидан чиқарилган барча акцияларнинг 25 (йигирма беш) фоизини ташкил этувчи 27 546 (йигирма етти минг беш юз қирқ олти) дон оддий акциялари сотувга қўйилади. Акцияларнинг бошланғич баҳоси 763 200 (етти юз олтиш уч минг икки юз) АҚШ долларини ҳамда корхонанинг инвестицион эҳтиёжлари 800 000 (сақиз юз минг) АҚШ долларини ташкил этади.

«SARBON-NEFTEGAZ» ОАЖ Тошкент шаҳрида жойлашган бўлиб, 1990 йил ишга туширилган. Жамиятнинг асосий фаолият тури бўлиб, йўловчи ва юк ташинди транспорт хизматлари кўрсатиш ва автомобилларни таъмирлаш ҳисобланади.

Мазкур жамиятларнинг акциялар пакетига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган тендер иштирокчиси устунликка эга бўлади.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризаси ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан куйида келтирилган манзилга мурожаат этиш мумкин.

Маълумотнома, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Яқка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олинishi мумкин.

Юқорида кўрсатилган акциялар пакети бўйича тендер ҳужжатлари пакетининг қиймати 500 (беш юз) АҚШ доллари миқдорига белгиланган бўлиб, уни куйидаги ҳисоб рақамларига ўтказиш лозим:

- валюта рақами 20203840500600289001;
- ҳисоб рақами 20203000600600289001;
- «Ипак йўли» АИКБ, ИНН 201122696, банк коди 00444, S.W.I.F.T. коди INIPUZ22.

Тендер таклифларини қабул қилиш мuddати 2007 йил 7 сентябрь кунин Тошкент вақти билан соат 12.00 да туғайди. Тендер таклифларини очиб 2007 йил 7 сентябрь кунин Тошкент вақти билан соат 15.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер катнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиб маросимда катнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича куйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Ўзбекистон Республикаси, 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳқўчаси, 55-уй.  
Хан Виктория Эликовна эътиборига (8.07-хона). Телефон: +998 (71) 139-22-80. Факс: +998 (71) 139-22-64.  
Эл. почта: ves@spc.gov.uz, gki-gu@rambler.ru

## Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ

2007 йил 10 август кунин соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказилаётган очик аукцион савдоларига куйидаги мулкни қўймоқда:

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд икромчилари бўлими томонидан 2007 йил 28 февралдаги 2444/3-сонли ижро ҳужжатида асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ц мавзеси, 13-уйнинг 1 қаватида жойлашган «Карвон шароб савдо» ШКга тегишли, умумий майдони 24,2 кв.м. бўлган оғборсидат бино.

Бошланғич баҳоси — 8 888 000 сўм.

Ушбу мулкни суд икромчилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода катнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорига зақалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автоматраспор» филиалининг «Альнос» минн банкидаги МФО 00417, СТИР 204325773, х/р 2020800080423477601 тулашлари ва савдодаги мулкни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва зақалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода катнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан куйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев к., 1-уй. Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 25266 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 133-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ва операторлар Жамшед Тоғоев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орпов.  
Навбатчи муҳаррир — Э. Болнев.  
Навбатчи — А. Самадов.  
Мусаххач — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуши — 21.00

Тошпирилди — 22.50

23456